### Тақдирлар

# ОДАМДАН ИЗ ҚОЛАДИ



*Ҳар зумда ўлимни кутиб яшамоқ,*
*Унинг ўзидан ҳам даҳшатлироқ ҳис.*
*Сенга шундай юрак бермишди Ҳаллоқ,*
*Боқдинг ажалнинг ҳам кўзига мунис.*

**Абдулла ОРИПОВ**

Ўлмас Умарбеков ҳаёт бўлганида шу кунларда 70 ёшга тўларди. Шундай дейман-у, лекин Ўлмас акани сира етмиш ёшли мўйсафид қиёфасида тасаввур қилолмайман. У ҳамишагидек навқирон, ўктам, хушсурат бўлиб кўз олдимда гавдаланаверади, гавдаланаверади...

"Ёзувчининг асарларини ўқиб, унинг қанақа одам эканлигини билиш мумкин" деган гап бор. Агар шу сўзлар ҳақиқат бўлса, Ўлмас Умарбеков асарлари унинг ўзига, унинг ўзи асарларига ўхшаб кетарди. Дилбар услуб... Ширин тил... Сокинлик... Чуқур мулоҳаза... Қандайдир... кузги япроқларнинг шивирлаши янглиғ ўйчан ва маъюс бир оҳанг...

Дилларни ёритиб юборгувчи самимият ва олижаноблик... Ҳаммаси, ҳаммаси бор эди унда.

Одатда Ўлмас Умарбеков ҳақида гап кетганда, уни "Омадли ёзувчи", "Бахти кулган инсон" дейишади. Бу гапларда ҳам жон йўқ эмас.

У илк ҳикоялари, қиссалари биланоқ адабий жамоатчилик эътиборини ўзига қаратган, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад сингари улкан сўз санъаткорлари назарига тушган эди. "Халқ ёзувчиси", "Санъат арбоби" сингари фахрий унвонларга сазовор бўлган, асарлари Давлат мукофотлари билан тақдирланганди. Хусусан, "Севгим, севгилим", "Ёз ёмғири", "Одам бўлиш қийин", "Қиёмат қарз", "Шошма, қуёш", "Кузнинг биринчи куни", "Фотима ва Зуҳра" сингари роман, қисса ва пьесалари, ўнлаб ҳикоялари адабиёт оламидаги ҳодиса сифатида эътироф этилган, мухлислар томонидан қизғин кутиб олинганди. Унинг пьесалари асосида саҳналаштирилган спектакллардаги бош ролларни Сора Эшонтўраева, Шукур Бурҳонов, Наби Раҳимов каби буюк санъаткорлар ижро этган эдилар.

Шу маънода, Ўлмас акани ҳақиқатан ҳам "Омади кулган ёзувчи" дейиш мумкин эди.

Аммо аслини олганда... у ҳам худди сиз-у биз каби оддий бир инсон эди. Унинг ҳам ўз ташвишлари, муаммолари, орзу-армонлари, оғриқ-у изтироблари бор эди. Лекин булар ҳақда қарийб оғиз очмасди. У ҳаддан ташқари оғир ва босиқ, ички маданияти ниҳоятда кучли, ҳар бир нарсага жиддий ва сокин қарайдиган, камгап ва камтарин инсон эди.

Эсимда бор, бундан ўн-ўн беш йил муқаддам бир шоир оғайним билан Ўлмас аканикига боргандик. Ўшанда дўстим адибнинг мўъжазгина ҳовлисини, ниҳоятда оддий ва камтарин турмуш тарзини кўриб ҳайратга тушган, "Воҳ! Шундоқ одам уч қаватли уйда яшаса керак, деб ўйлардим" деганди. Ким билсин, балки бошқалар ҳам шундай ўйлаган бўлишса, ажабмас?!

Лекин аниқ биламанки, Ўлмас ака бунақа нарсаларга ўч эмасди. Ҳатто 60 йиллик юбилейини ўтказиш масаласи билан ҳузурига борганимизда ҳам маъюсгина кулимсираб қўяқолган, бепарво қўл силкиб, рад этганди. Бунақа тантана-ю ҳашамларни ёқтирмасди.

У шу тахлит яшади ва ижод қилди. Икки-уч қаватли иморат солмади-ю, лекин ўз асарлари билан ўзига "шоҳона қаср" қурди, ўзидан кейин ўчмас излар қолдирди. Буни ана шу "қаср" остонасидан ҳатлаб ўтган, адиб оламига қадам ранжида қилган юзлаб, минглаб китобхонлар, Ўлмас Умарбеков ижодининг мухлислари яхши биладилар.

Бизда "ижодкор жасорати" деган сал баландпарвозроқ туюлгувчи бир ибора бор. "Фалончи шундоқ аҳволда бундоқ иш қилган" қабилидаги мисоллар келтиришни ёқтирамиз.

Ҳолбуки, ўшанда биз, "Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ" деганларидек, шундоққина ёнимизда ажойиб бир ёзувчи "мангу дунё бўсағасида" турганини кўриб, била туриб, ёниб ижод қилаётганидан бехабар эдик. Йўқ, билардик. Унинг романи, қисса ва ҳикоялари пешма-пеш эълон қилиниб турарди. Фақат адиб уларни қай ҳолатда, қандай азобда ёзаётганини билмасдик, холос.

Ўлмас Умарбеков ҳаётининг сўнгги фаслида бир ука, бир шогирд сифатида унинг ёнида кўп маротаба бўлишимга тўғри келгани эсимда. У гапира олмасди. Кетма-кет қилинган жарроҳликлар уни бу бахтдан маҳрум қилиб қўйганди. Шунга қарамай, "суҳбатлашардик". Одатда фақат биз гапирар, у эса каттагина ён дафтарчасига ёзиб, "савол-жавоб" қиларди.

Ана ўша "суҳбат"лар асносида мен Ўлмас аканинг "Фотима ва Зуҳра" романини ёзиб тугатганини, "Қизимга мактублар" номли хотира-қисса, "Оқсоқол" номли пьеса ва ўнлаб янги ҳикоялар устида ишлаётганидан бохабар бўлган эдим. Лекин мен ўша кезлари Ўлмас ака бу асарларни гоҳ Москвада, гоҳ Тошкентда касалхонада ётган пайтлари бир бўлак фанер устига қоғоз қўйиб, минг азобда ёзганини билмас эдим. Одатда, умри тугаётганини билган одамлар умидсизланиб қоладилар. Лекин Ўлмас акада аксинча бўлганди. У яшаш, яратиш учун ўзида куч топа олган эди.

Шу ўринда, бир иқтибос келтирамиз. Бу Ўлмас Умарбековнинг ўз турмуш ўртоғи Зуҳра опага ва қизи Умидага ёзган мактубларидан айрим сатрлар. Ўйлайманки, ана шуларнинг ўзиёқ бу инсон ўлимнинг кўзига ҳам тик қарай олганига шоҳид бўла олади.

**"Жоним, Зуҳрам! Мен албатта яшашни истайман. Даволанишдан эринмай, тузалишга ҳаракат қиламан. Лекин кўнглимда умрим битганини сезиб турибман, илож қанча.... Сенинг қўлингни тутиб ухласам-у, уйқумда узилсам, яхшироқ бўларди. Мен умримда сени учратганим, топганимдан сўнгги нафасда ҳам ўзимни бахтли сезаман. Мен сендан миннатдорман, жоним..."**

**"Она қизим, Умида!**

**Мен оғир хасталик, чидамсиз азоб билан олишиб, яна бир неча йил яшаш, сенинг тўйингни кўришга жон-жаҳдим билан ҳаракат қиламан, кейин майли, ҳар нарсага розиман. Лекин бу фақат менга боғлиқ эмас. Буюргани бўлади, насиба, қисмат..."**

У Зуҳра опага ёзган бир хатини "Мен ўлимдан қўрқмайман" деган сўзлар билан тугаллаган эди.

Ўлмас Умарбеков ана шунақа Инсон ва Ижодкор эди. У ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини ва ўзлигини сақлаб қололган, қалам ва қоғоз билан ўз тақдирини яратган мард ва ҳалол, беғубор инсон эди.

Менда Ўлмас ака дастхат ёзиб совға қилган бир неча китоблар бор. Уларга муаллифнинг қўли текканни, унинг бармоқлари тафти, нафаси сингиб кетгани учун ҳам мен учун қадрли, авайлаб сақлайман.

Мана шулардан бири.

1994 йилнинг қиши. Авжи чилла. Қор йўқ, лекин совуқ "чақади". Шу куни Ўлмас аканикида бўлдим. У "Мўъжиза", "Ота ва ўғил" деган янги ҳикояларини тахт қилиб қўядиган, мен уларни эртага радиога олиб бориб топширишим керак эди.

Ўлмас ака, Зуҳра опа учовимиз анчагина суҳбатлашиб ўтирдик. Адиб таваллудининг 60 йиллиги яқинлашиб келаётган кезлар эди. Лекин... лекин ана шу қувонч Ўлмас ака ва унинг хонадонига татимасди. Ўлмас ака ўзи ёзгандек, **"Кун сайин, соат сайин мангу дунё бўсағасига яқинлашиб келаётган эди..."**

Устоз Саид Аҳмад ўзининг Ўлмас Умарбеков ҳақида ёзган "Киприкда қолган тонг" қиссасида айтганидек, у шундоққина рўпарамда, "ёқимли жилмайиб ўтирарди". Мен эса ҳайратда эдим.

Саид Аҳмад хитоб қилганича бор. "Ё, қудратингдан, ўргилай Худо, бу болага дунёни тарк этар чоғи жилмайишига қайдан куч ато этдинг!" деганди у.

...Лип этиб чироқ ўчиб қолди. Зуҳра опа шам ёндириб, стол четига қўйди. Телефон жиринглади. Опа яна қўшни хонага чиқиб кетди. Ким биландир гаплашаётгани эшитилди.

Ўлмас ака икковимиз эса терлаб кетган дераза ойнасидан ҳовлига термулган кўйи жимгина ўлтирардик. Шифтда ва хона деворларида уй жиҳозларининг баҳайбат кўланкалари худди эртаклардаги баҳодир устидан ғолиб чиққан аждаҳо мисоли рақсга тушаётгандек лапиллаб, лопиллаб турарди.

Шу пайт Ўлмас аканинг паст, хирқироқ товуши жимликни бузди.

**"Эркин... Ука... — деди у бўйнига танғилган докага бармоғини босганча қийналиб гапираркан. — Адабиёт худди океанга ўхшайди. Унга ҳамма сиғади... Ҳамма ўз кемасида сузиши керак. Лекин шуни раво кўрмайдиганлар йўқ эмас... Бошга тушган синовлар одамни кўп нарсага ўргатади. Ҳушёр бўлинг! Дўст-душманни ажрата билинг! Ёзинг, фақат ёзинг! Шугина сизни ҳамма нарсадан халос этади..."**

Шу куни адиб хонадонидан хайрлашиб чиқиб кетарканман, у ўз "Сайланма" асарларининг биринчи жилдини қўлимга тутқазди. Автобус бекатига етиб бордиму, сабрим чидамади. Китобни очдим. Унинг ички муқовасига қуйидаги сўзлар ёзилган эди:

**"Ҳурматли, садоқатли, қаламкаш-ҳамкасб укам Эркинга энг олий дил тилаклари — ижодий парвоз, фаровон турмуш, бахт ва соғлиқ тилаб**
**Ўлмас УМАРБЕКОВ"**

Бу устознинг сўнгги тилаклари ва менинг ундан олган сўнгги дастхатим эди. Шундан кейин ҳам унинг охирги кунларига қадар кўп маротаба учрашдик. Энди буниси, бошқа ҳикоя...

**Эркин УСМОНОВ**

### Воқеа

# БИР КУНЛИК КИРАКАШ

***ёки ажал остонасидан қандай қайтганлигим ҳақида***

— Тирикчиликнинг айби йўқ, қўшни. Ҳозир кўпчилик киракашликдан нон топаяпти. Ҳатто «Нексия», «Мерседес» минганлар ҳам баъзан «клиент»ларимизни илиб кетаяпти, — деди 5-6 йилдан буён шу иш билан шуғулланиб, бола-чақа боқаётган қўшним. Айниқса, кейинги пайтда Тошкент кўчаларида машина кўпайиб кетди. Лекин карвон кўп, ризқи бошқа экан. Ҳар куни нон-чойга, болаларнинг қалам-дафтарига, сигаретга пул чиқиб турибди. Нолимайман...

Қўшнимдан бу касбнинг сир-асрорини эзмаланиб сўрайман.

— Энг аввал ҳужжатлар жойида бўлиши керак. Патент шарт эмас. 90 фоиз киракаш патентсиз ишлайди. Машинангиз ярақлаб турсин. Салондан бензин ҳидидан кўра, дезодарант ҳиди анқиб тургани яхши. 3-4 та шўхроқ кассеталардан олиб юринг. Ёшлар қизиқади. Шунда кира ҳақига тортишмайди. Ҳа, айтганча, спидометрни улаб қўйинг. Назорат учун. Бензин пулидан ташқари 2,5-3 минг топсангиз, дўппини осмонга отаверинг. Сиз ҳозирча бу соҳада янгисиз, бекатларда машинангиздан кўп узоқлашманг. Йўқса, баллонларингиз «ўз-ўзидан пучайиб қолиши мумкин...

Қўшнимнинг «кўрсатмалари»га амал қилиб, «Жигули»мни кечқурун тайёрлаб қўйдим. Эрталаб соат 7 да маҳалламиздаги ёқилғи қуйиш шаҳобчасига кириб келдим. 10 литр бензин — 2800 сўм. Хизмат ҳақи — 100 сўм. Шаҳобча компютери роппа-роса 10 литрни кўрсатган бўлсада, назаримда 1 литр камроқ қуйишди. Шунисигаям шукр. Мўйловдор амакиларнинг ҳам тирикчилиги, катта-кичик чиқимлари бор. Тушуниш керак...

Ана шундай хаёл билан Форобий кўчаси бўйлаб 2-ТошМИдан Беруний метроси томон ғизиллаб кетдим. «Ўзбекистон» маҳалласида икки нафар ёш йигитча тўхтатди.

— Ока, Чорсуни гўшт бозорига ташлаб қўйинг.

— Чиқинглар.

— 400 сўм берамиз.

— Майли, — дейман, «почин»га хурсанд бўламан.

Манзилга етиб келдик. Йигитчалар пулни тўлаб, «раҳмат»ни насия қилиб кетишди. Спидометрга қарайман, 8 километр. Демак, 1 километр учун 50 сўмдан ҳақ беришибди. Айтишларича, тажрибали киракашлар ҳар бир километрга 10 сўмдан олишаркан.

«ГУМ» бекатидан ўтиброқ тўхтайман. 1-дорихонанинг тўғрисидан то сурнайчилар «орол»часигача мижоз кутиб турган 10 га яқин машина санайман. Ҳафсалам пир бўлади. Олдинга қараб юраман. Ҳадрада чапга бурилиб, «Ганга» ёнида тўхтайман. Бу ер ҳам тирбанд. 3 нафар ҳайдовчи бир жойга тўпланиб, ниманидир гаплашиб туришибди. Назаримда биттаси мен томонга ўқрайиб қараб қўйгандек бўлди. «Нонимизни яримта қилма» демоқчи шекилли. Без бўлиб ўтиравердим. Шу пайт машинамга ёши 70 ларни қоралаб қолган бир отахон яқинлашди. Олдинги эшикни очдим.

— Йўл бўлсин, ота?

— Эски шаҳарга ташлаб қўй, болам.

— Ўтиринг.

Машина энди жойидан қўзғалиши билан, кутилмаганда, отахон «тўхтат, болам, мошинанг менга тўғри келмади», деб қолди. Тўхтадим, ҳайрон бўлиб отага қарадим.

— Хафа бўлма, болам, мошинанг атирди иси экан. Астмам бор, кўтаролмайман...

Назаримда бояги «рақибим» менга қараб мийиғида кулиб қўйгандек бўлди. Аччиқландим. Машинамни жаҳл билан Чорсу томонга ҳайдаб кетдим. «Табиат музейи» қаршисида тўхтадим.

Бундан 7 йил муқаддам, Тошкентга янги кўчиб келган кунларимизда болаларим билан музейни томоша қилганимиз ёдимга тушди. Яқинда телевизорда кўрсатишди. Деярли ҳеч нарса ўзгармабди. Ўша-ўша экспонатлар...

Хаёлимни орқа эшикнинг очилиши бўлди.

— Ойинг ўргилсин, шундоққина Чиғатой дарвозага элтиб қўйгин, 200 сўм бераман.

— Ўтиринг, ойи.

60 ёшлардаги онахон катта чарм сумкасини «гурс» эткизиб орқа ўриндиққа ташлади-да, ўзи ҳам жойлашиб олди. «Ишқилиб, сумкасининг таги тоза бўлсинда...»

Онахоннинг оёғи енгил экан: ишим юришиб қолди. Ўзига тўқроқ яна бир кампирни Чиғатойдан Қора-Қамишгача 500 сўмга олиб бориб қўйдим. У ердан яна 500 сўмга Белтепага ўтдим. Бир мижозни 200 сўмга Ибн Сино бозорига ташлаб қўйдим. Бозор-ўчар қилган бир кишини олиб, 200 сўмга Жар-Ариққа — маҳалламга ўтдим. Вақт ҳам пешинга яқинлашибди. Бира-тўла тушлик қилиб оламан, деб уйга кирдим. Пулни ҳисобладим. Роппа-роса 2000 сўм. Бошланиши чакки эмас. Тушлик қилиб ўтириб, мулоҳазага берилдим: пойтахт ДАНига қойил қолса бўлади. Қоидани бузмасанг, тўхтатишмайди. Солиқчилар ҳам кўринишмади. Айтишларича, баъзан патент сўраб гаранг қилишаркан. Тўғри, ойига 30-35 минг сўм олиб, киракашлик учун рухсатнома берувчи, патент пулини ўзлари тўловчи қандайдир фирмалар бор эмиш. Лекин улардан наф кам бўлганлиги боис, деярли ҳеч ким қизиқмас экан.

«Пулни пул чақиради» деган илинжда 2000 сўмни ёнимга жойлаб, яна «иш»га отландим. «Ибн Сино» мавзесидан «Ипакчи»гача 2 нафар аёлни 300 сўмга олиб кетдим. «Гулзор»да 3 та йигит «Чилонзор» метросигача 600 сўм берадиган бўлишди. Чўғи оздай туюлди-ю, рози бўлавердим. Боиси — биз то кира ҳақини келишгунимизча, машинамнинг орқа тарафига яна 2 та «Жигули» келиб тўхтади. Иссиғининг борида йигитларни олдим-у жўнаб қолдим...

Бугунги Тошкент кўчаларига ҳавасинг келади: кенг, равон, оқшомлари чароғон. (Тўғри, Ибн Сино, Жар-Ариқ мавзеларида, «Талабалар шаҳарчаси»да, Чуқурсой томонларда ҳали ўнлаб «ярадор» кўчалар бор. У ёқларда машина юриб эмас, гўё «ҳаккалаб» кетаётгандек туюлади. Ноумид — шайтон. Мавриди келиб, бу кўчалар ҳам обод бўлиб қолса, ажабмас). Чилонзорда мижоз кўп бўлади, деб эшитганим бор. Шу боис бу ерда кечгача айландим. Ҳатто «машҳур» Қатортол кўчаси-ю, «Ҳосилот» кафесигача 2-3 бориб келдим. Бир маҳал метро бекати ёнида тўхтаб пулларимни санадим. Жами 4900 сўм ишлабман. Энди уйга қайтсам ҳам бўларди-ю, пулга қизиқиб қолдим. Шу ерда овқатланиб олиб, яна бир оз айланишга аҳд қилдим. Метро бекати ёнидаги ошхонада 500 сўмга бир коса ҳасип, 100 сўмга 1 та ёпган нон, 50 сўмга бир чойнак кўк чой олиб, ҳузур қилиб овқатландим. Машинага қайтдим. Толиқибманми ёки олимлар айтганидек овқатдан сўнг инсон танасидаги қон ҳақиқатан ҳам кўпроқ ошқозон атрофида айланадими, ишқилиб, ўриндиқда ўтириб мизғиб қолибман. Бир пайт машиналар шовқинидан уйғониб кетдим. Қоронғи тушибди. Соатга қарайман. Кечки 8. Спидометр 52 километрни кўрсатаяпти. Демак, 4 литр бензин сарфлабман. Бакда яна 5 литрдан зиёд бензин бор. Машинани ўт олдирдим. Мотор қизигунча, яна бир марта пулларимни санаб олдим. 4250 сўм. Бензин пулидан ташқари 1350 сўм қолаяпти. Овқатланмасам бўларкан...

Шу пайт баланд бўйли бир йигит олдинги эшикни очди:

— 3 кишимиз. «Эркин»га ташлаб қўймайсизми?

— Қанча берасизлар?

— Спидометр бўйича. Ҳар километрга 100 сўмдан.

— Майли-ку-я, дейман муғомбирлик билан, — лекин қайтишда одам бўлмайди...

— Яна 500 сўм қўшиб берамиз.

— Бўпти, ўтиринглар.

— Фақат бетонкадан «Солнечний» билан юрасиз.

— «Ўзгариш» билан яқинроқку...

— Ишимиз бор.

— Ихтиёринглар. Пулни тўласанглар бас...

Ўзи кўнглим ниманидир сезгандай бўлди-ю, барибир пулга ўчлик устунлик қилди. Чунки яна 3000 сўмга яқин ишлаб олишим мумкин эди. Қайтишда биронта мижоз учраб қолса, яна яхши.

Мен билан савдолашган йигит олдинга, яна бир ўзбек йигит билан ёшгина ўрис қиз орқа ўриндиққа ўтиришди. Базми жамшид бор шекилли... Лекин бировларнинг шахсий ҳаётига аралашишга ҳақли эмасман. Менинг вазифам — «лўлининг эшагини суғориб, пулини олиш»,

Шаҳардан чиқаверишдаги ДАН масканидан ўтиб, «Қуёшли» томон ғизиллаб кетдим. Кайфиятим яхши. Ўзимча бугунги даромадни хомчўт қиламан. Мижозларим ҳам чурқ этмай, магнитофондан таралаётган қўшиқни тинглаб боришаяпти. «Қуёшли» кўрғони кўпригига яқинлашиб, энди пастки йўлга тушмоқчи бўлаётгандим, ёнимдаги йигитнинг таҳдидли овози эшитилди:

— Тўғрига, Чиноз томонга ҳайда!

Юрагим «шиғ» этди. Оёқ-қўлим бўшашгандек бўлди. Лекин сир бой бергим келмади.

— Кечирасиз...

— Гапни кўпайтирма! Ё биқинингдан дарча очиб қўяйми?!

Қоронғида нималиги кўринмаса-да, спортивкам устидан баданимга ўткир тиғ қадалганини сездим. Хаёлимдан «пичоқ бўлса керак», деган фикр «ялт» этиб кетди. Бу орада кўприкдан тўғрига ўтиб кетдим. Кетаяпмизу кўз олдимдан болаларим, яхши-ёмон кўрган-кечирганларим худди кино лентасидек бир-бир ўта бошлади. Кўзимга на пул, на машина кўринди.

— Йигитлар, шу машина сизларга, мен тушиб қолай...

— Секинлашма! Ё ажалингдан беш кун олдин ўлиб кетмоқчимисан? — деди орқа ўриндиқдагиси ва бўйнимга чилвир солди.

— Бўпти, фақат чилвирингни ол, йўлни кўролмаяпман... — Нафасим бўғилиб, овозим чиқмаётгандек туюлди.

— Чилвирни ол, — деди биринчи йигит шеригига. Сўнгра важоҳат билан сўзида давом этди:

— Уч кун бўлди «нарёқдан» қайтганимизга. Биз билан ўйнашма! Йўқотадиган нарсамиз йўқ. Чинозга ташлайсан-у, орқангга қайтаверасан!

Бу орада иккинчиси чилвирни бўйнимдан суғуриб олди. Орқадан ўрис қизнинг қичқириғи эшитилди:

— Вы, что, ребята, какой Чиназ? Меня дома ждут!

— А ты, сука, замолчи!

Назаримда юзига тушган шапалоқдан қизнинг кўзларидан ўт чақнаб кетди. Пиқиллаб йиғлашга тушди.

— Не повезло тебе, детька, с нами. Не надо было сегодня на «работу» выходить...

Қор аралаш ёмғир шивалай бошлади. Чинозга қараб кетаяпмиз-у хаёлимда минг хил фикр ғужғон ўйнайди. Бу ёғи нима бўларкин. Камига шукр қилмадим-а... Афтидан қиз ҳам нафс қурбони бўлганга ўхшайди. Ёдимга икки йил муқаддам матбуотда шов-шув бўлган «Данғара воқеаси» тушади. Ўшанда қишлоқда яшовчи ёшгина эр-хотин 8 нафар киракаш ҳайдовчининг умрига зомин бўлганди. Наҳот мени ҳам шундай аянчли қисмат кутаяпти? Нима қилиш керак, бу нусхалардан қандай қутилса бўлади? Шартта машинани тўхтатиб, ташлаб қочсаммикан? Қиз бечоранинг аҳволи нима кечади... Аксига олиб, бугун пана-пастқам жойларда радар тутиб турадиган ДАН ходимлари ҳам кўринишмаяпти. Балки Чинозга етиб олсак, эсон-омон қўйиб юборишаш... Чинозга яқинлашганимиз сайин ёмғир кучайди. «Датчик» бензин тугаётганлигини аллақачон «хабар қилган». Катта йўлнинг ўнг томонида жойлашган ёқилғи қуйиш шаҳобчасида бу сафар ҳам тирик жон кўринмайди. Деярли йил — ўн икки ой ишламайдиган бу шаҳобча ҳеч бензин олармикан ўзи? Агар олса, кимга сотаркан... Вазиятдан қутилиш чорасини излайман. «Секретка»ни босиб, машинани ўчириб қўйсаммикан? Йўқ, сезиб қолишади. Яхшиси, ўзи ўчгани маъқул. Худо — меҳрибон, бир йўл кўрсатар ахир...

— Чинознинг қаерига борасизлар? Бензин тугаяпти.

— Тугаганча ҳайдайвер! Балиқ бозоридан ўтиб, дарё кўпригига етмасдан ўнга бурасан. Озроқ ичкарига кирамиз.

Дарё бўйини биламан. 3-4 та балиқчининг кулбасидан бошқа нарса йўқ. Ҳамма ёқ жинғилзор, шурҳоқ ерлар. Фақат майда тошли битта йўл кириб боради. Бу об-ҳавода йўлдан сал четга чиқсанг, ботиб қолишинг тайин гап.

Катта йўлдан ўнгга бурилиб, ичкарига 50 метрча юрган ҳам эдикки, машина бир-икки силкиниб, ўчиб қолди.

— Етиб келдик. Бензин тугади.

— Канистрингда бордир, сенларда «запас» юради-ку!

— Менда йўқ. Шаҳардан ташқарига чиқаман, деб ўйламагандим.

— Чиқ, багажнигини текшириб кўр! — деб ёнимдаги йигит шеригига буйруқ берди.

Ёмғир кучайгандан кучайди. Гўё осмоннинг туби тешилган-у кимдир челаклаб сув қуяётгандек. Иккинчи йигит салонга қайтиб кирди.

— Бензини йўқ.

— Бўлмаса, кутамиз. Биттаяримта учраб қолар.

Ўтирибмиз. Қизнинг ҳам овози чиқмайди. Тақдирига тан берган кўринади. Машинанинг ичи сигарет тутунига тўлиб кетди. Гўё кечаги маҳбуслар аламини чекишдан олаётгандек. Бир маҳал ёмғир сусайиб, тингандай бўлди. Яна ярим соатлардан сўнг дала йўлида қандайдир шарпани илғадик.

— Фарани йўқ!

Чироқ ёруғида брезент плашч кийиб, велосипед миниб олган балиқчи бола кўринди.

— Ўзимизнинг сўтак-ку! Чиқ, қўлига пул бер, бирон баклашга бензин топиб келсин.

Иккинчи йигит машинадан тушиб велосипедчи билан гаплашди. У орқага қайтиб, анча вақтдан кейин бир баклашка бензин олиб келиб берди. Иккинчи йигит бакка бензинни қуйиб, балиқчига жавоб бериб юборди. Машинага ўтираётиб, сўкиниб ғудранди-да, эшикни жаҳл билан, жуда қаттиқ ёпди. Шовқин асносида ўриндиғим остидаги «секретка»ни ўчирдим. Сезмай қолишди.

— Машинани юргиз. Олдинга ҳайда!

Акселераторни 5-6 марта қаттиқ-қаттиқ босгандек бўлдим. Калитни бурадим. Стартер шағилладию, лекин мотор ўт олмади.

— Сен, аблаҳ, бир нарса қилдингми, — дейман?!

— Нима қипман. Корбюраторга бензин тўлиб қолганга ўхшайди. 3-4 қадам итариб юбориш керак.

— Менга қара, братан, без фокусов! Нақ калланги оламан!

— Ўзларинг биласизлар, мен айтдим-қўйдим...

«Эй, Худойим, дейман ичимда, қанийди иккаласи ҳам тушса, у ёғини ўзим бир амаллардим...»

— Туш, машинани итариб юбор! — деди олдинда ўтирган орқа ўриндиқдаги шеригига. Бироқ «Жигули» ва 3 киши ёш йигитга оғирлик қилдик. Машина эрмакка-да, жойидан силжимади. Каттаси сўкинганча ёрдамга тушаркан, мен томонга ўдағайлади:

— Қочишни хаёлингга ҳам келтирма! Барибир қочолмайсан! Бошқа йўл йўқ!

Индамадим. Тушавергин, ўзим биламан, дедим ичимда. Икковлон машинани 2-3 қадам итариб юборган ҳам эдикки, «секретка»ни қўшдим, калитни бурадим. Мотор гуриллаб ўт олди. Жон-жаҳдим билан акселераторни босдим. «06» моторли «Жигулим» ўкирганча олдинга сапчиди. Ҳамтовоқлар бақир-чақир қилиб ортимиздан югурди. Етолмади. 300 метрча олдинга юриб, катта тезликда орқага қайтдим.

— Сиди тихо, прорвёмся, — дедим қизга. У олдинги ўриндиқ суянчиғини маҳкам ушлаб олди. «Ё Раббим, Ўзинг қўлла», дедиму машинани йўлни тўсиб турган йигитларнинг устига ҳайдадим. Охирги сонияларда икки чеккага қочиб қолишди. Қолган-қутган бензин билан Чинозга етиб келдик. Шаҳарга кираверишда машинага 10 литр бензин қуйдим. Ҳар эҳтимолга қарши эски йўл билан юриб, эсон-омон Тошкентга кириб келдик.

Чилонзорнинг 9-мавзесида, ўрис қизнинг «дом»и олдида тўхтаганимда соат миллари тунги 12ни кўрсатаётганди. Уйга шошилдим. Авваллари машинани шаҳар кўчаларида ҳеч қачон 100 километр тезликда ҳайдамагандим. Шу оқшом ҳайдадим. Ажал остонасидан соғ-саломат қайтаргани учун Яратганга шукроналар айтдим...

Хонадонимиз эшигини ёнимдаги калит билан очиб, ичкарига кирганимда, болалар аллақачон ухлаб қолган, аёлим мудрабгина ўқувчиларининг дафтарини текшириб ўтирарди.

— Келдингизми, дадаси? Юришингиз ҳам бор бўлсин. Жуда хавотирландик.

— Кўявер, онаси, чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин экан. Овқатингни суз. Холодильникда нимаңг бор...

Шундай дедим-у, юз-қўлимни чайиш учун ваннахонага кириб кетдим.

**Ҳайдарали МАМАТОВ**

### Назм

*Мўр терар ҳар неки*
*ссочқай киши,*
*Бўлди тирик гўрга*
*кирмак иши.*

**Алишер НАВОИЙ**

## ХОЖА БАҲОУДДИН МУРУВВАТИ

*Қўли ишда бўлса-ю,*
*Оғзи ошга етмаса,*
*Кўнгил сенга берса-ю,*
*Дилдан чигил кетмаса.*

*Хирмон уйса тоғ-тоғ,*
*Қумурсқалар ташиса,*
*Ёрлақадинг деб билмам,*
*Очликдан бош қашиса.*

*Адл-инсоф қил, йўқса —*
*Ўзни суфий демайман:*
*Икки дунё, Худоё,*
*Халқ емаса — емайман!..*

**Султон МУРОД**

## ДУДОҒИМДАН БЎСА ОЛГАНДА ҲИЖРОН

### ҚАДР

*Қўҳна денгиз қизғонганда бир қултум сувин,*
*Шаршарали гўзал тоғлар этганда қувғин,*
*Фақат сахий офтобгина ушалса нурин,*
*Олдимизда оққан сувни эсга оламиз,*
*Саҳро чўллар бағрида биз чанқоқ қоламиз.*

*Боғлар аро ишваланмай турфа хил гуллар.*
*Мақсади йўқ, хатарларга тўлганда йўллар,*
*Баъзан бизга гул тутганда бегона қўллар,*
*Садоқатсиз севгимизни ёдга оламиз,*
*Ҳижронларнинг оловида ҳиссиз қоламиз.*

*Назарига илмаганда чин дўстлар ҳатто,*
*Яшашда ҳам қолармиди заррача маъно?*
*Фақат дардни куйласа гар куй, қўшиқ, наво,*
*Инсонийлик қадримизни қўмсаб ёнамиз,*
*Бахтсизликнинг азобидан мағрур тонамиз.*

*Хумор кўзлар қариликнинг пардаси аро,*
*Кўзгу узра ажин босган юзга тушганда*
*Ниҳолдайин қоматимиз тутганда асо,*
*Елдек учган ёшлигимиз эсга оламиз,*
*Армонларнинг шуъласида ожиз қоламиз.*

*Ўлар пайтда ҳеч ким бизга қилмаса парво,*
*Ўтгандан сўнг бир калима кўрмаса раво,*
*Жаҳаннамни бизга ҳадя этса у дунё,*
*Биз ўшанда бу дунёни эсга оламиз,*
*Тавбаларнинг ёмғирида ивиб қоламиз.*

### КУЗ

*Тоғу тошлар узра шағирлайди сув,*
*Булбулларнинг сасин илғамас қулоқ,*
*Хомуш осмон тўкар ёшларин дув-дув,*
*Рангин чечакларсиз кўримсиз булоқ.*

*Ҳар ёнда шитирлар мезон япроғи,*
*Парқу булутчалар нурга кўланка,*
*Хазон бўлди сойнинг кўм-кўк дудоғи,*
*Самода чарх урар қарға-ю ҳакка.*

*Кўтаролмай шохин дов-дарахтлар жим*
*Ширин меваларин болга белайди.*
*Она ерга аста этганда таъзим,*
*Кузнинг шамоллари сочин силайди.*

### МАНГУЛИК ҚАЪРИ

*Тонгларда янграган булбул ноласи,*
*Қалбимни титратар гўёки япроқ.*
*Хаёлим жисмингга бўлганда банди*
*Йўқлигинг дардимга қўшади фироқ.*

*Ўйлар суронига бўлганда тутқун,*
*Дудоғимдан бўса олганда ҳижрон,*
*Севгимга атолса аламли афсун*
*Маъюс истак чорлар яна сен томон.*

*Сирли бўлсин ишқим, бўлсин пинҳона,*
*Тилларим кесилсин айласам изҳор.*
*Ҳаёт гирдобида бўлай ягона*
*Шунда-да пок севгим этмайман инкор.*

*Кўнглим мажруҳ этган ўша илк туйғу*
*Севиш бахтин менга айлади инъом.*
*Сўнгги нафасгача мен билан мангу*
*Муҳаббатим яшар қалбимда мудом.*

*Азизим, мени деб ўртанма, куйма,*
*Сени ҳар кўришим менга буюк бахт.*
*Телба Мажнун мисол сен мени суйма,*
*Майли ёдинг билан яшайин карахт.*

*Хумор кўзларимни алдасин кўз ёш,*
*Ғунча лабларим ҳам бўлсинлар хазон,*
*Барибир қалбимда муҳаббат қуёш,*
*Барибир қалбимда муҳаббат пинҳон.*

**Насиба ЗОКИРОВА,**
**Бекобод педагогика коллежи 2-босқич талабаси**

### Таклиф

# ШАРҒУНДА ХТП ТАШКИЛ ЭТИЛСА...

Республикамизда ва вилоятимизда соғлиқни сақлаш соҳаси хийла ривожланганлигини, назарияни амалиёт билан чамбарчас боғлаган ҳолда шуҳрат қозонаётганлигини жуда яхши биламиз. Айниқса, тиббиётнинг замонавий юксак техника билан қуролланганлиги кўпгина хасталикларнинг ташхисини ойдинлаштиради. Хилма-хил дори-дармонларни қўлланиш усулларининг кашф этилиши обрўйини янада кўтарди.

Шунга қарамай, узоқ ўтмишдан буён тўпланган бой маълумот ва тажрибалар, хусусан Абу Али ибн Синодек алломалардан мерос қолган табобатга оид маълумот ва тажрибалар ҳамон кундалик медицинамизда тўлалигича ўз ифодасини топмаганлиги ажабланарлидир. Тўғри, ана шундай таълимотга асосланиб шифобахш гиёҳлардан беморларни даволаш йўлга қўйилган. Республикамизда 500 дан ортиқ доривор ўсимликлар мавжуд, унинг атига 115 хилидан тиббиётимизда фойдаланилмоқда, холос.

Фикримча, бизнинг Сариосиё туманимизда, хусусан Шарғунда халқ табобат поликлиникаси ташкил этилса яхши бўларди. Бу соҳага тажрибали ва халқ тиббиётидан хабардор шифокорлар жалб этилиши керак. Поликлиникага улуғ аллома Абу Али ибн Сино номи берилишини жуда-жуда истардик. Сурхондарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Нодир Абдуллаев бу муаммони ҳал этишга яқиндан ёрдам беради, деган умиддамиз.

**Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ**

### Хабар

# ТЕЛЕМУЛОҚОТ

**Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси "Маҳалла зиёси" ўқув-услубий марказида Тошкент молия институти талабалари билан телемулоқот бўлиб ўтди. Мулоқотда Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси фаоллари ҳамда институт талабалари иштирок этдилар.**

Унда молия институти ректори, академик М.Шарифхўжаев ҳозирги ёшлар онгида меҳр-оқибат, садоқат ва мурувват туйғуларини янада мустаҳкамлаш, инсонийлик, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззат, муҳтож, ногирон, етим-есир, бева-бечора, ёлғиз қарияларга мурувват кўрсатиш, моддий ва маънавий қувватни кучайтириш каби инсонийлик фазилатлари ҳақида маъруза қилди. Шунингдек, меҳр-мурувватнинг исломий талқинлари, маҳалла ва меҳр-мурувват тушунчаларининг ўзаро муштараклиги, маънавияти юксак комил инсонни шакллантириш, бу эзгу туйғуларни ёшлар онгига, шуурига сингдириш юзасидан мунозаралар бўлди.

**Марям АҲМЕДОВА**

Ўзингни англаб ет!
Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

«Hurriyat» kompyuter markazida Elyor UBAYDULLAYEV tomonidan sahifalandi.

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 41-52-72, 144-25-06.
E-mail: hurriyat@uzpak.uz

Индекс:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ

® — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 271
Т: 3664

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.